



**15-16 APREL
2022**

**TOSHKENT
O‘ZBEKISTON**

**“GEOGRAFIK TADQIQOTLAR: INNOVATSION G‘OYALAR
VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI”**

XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
G.O. MAVLONOV NOMIDAGI SEYSMOLOGIYA INSTITUTI**

O‘ZBEKISTON GEOGRAFIYA JAMIYATI

**“TADQIQOT.UZ”
XALQARO ILMIIY JURNALLAR PORTALI**

**GEOGRAFIK TADQIQOTLAR:
INNOVATSION G‘OYALAR VA RIVOJLANISH
ISTIQBOLLARI**

**II
XALQARO ILMIIY-AMALIIY KONFERENSIYA
MATERIALLARI**

TO‘PLAMI

Toshkent - 2023

Geografik tadqiqotlar: innovatsion g'oyalar va rivojlanish istiqbollari:
II Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plam (15–16-aprel, 2022-yil, Toshkent). –Toshkent.: TADQIQOT.UZ, 2023. – 847 bet.



<http://doi.org/10.5281/zenodo.4751426>

To'plamda keltirilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijalaridan tabiiy geografiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, iqtisodiy va ijtimoiy geografiya, xorijiy mamlakatlar iqtisodiyoti va mamlakatshunoslik, tashqi iqtisodiy faoliyat, turizm, gidrologiya, gidrometeorologiya, geologiya, geodeziya, kartografiya hamda geoinformatika sohalaridagi mutaxassislar, ilmiy xodimlar, mustaqil izlanuvchilar, doktorantlar, magistratura va bakalavriat talabalari, umumiy o'rta ta'lim maktablari, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari o'qituvchilari hamda geografiya faniga qiziquvchilar foydalanishlari mumkin.

Tahrir kengashi:

g.f.d., professor Hikmatov F.H.
g.f.d., katta ilmiy xodim Rafiqov V.A.
g.f.n., dotsent Sharipov Sh.M.

Kengash a'zolari:

g.f.n., dotsent Tashtayeva S.K.
g.f.n., dotsent Shomurodova N.T.
PhD, dotsent Shomurodova Sh.G'.
PhD, dotsent Prenov Sh.M.
PhD, dotsent Raxmonov D.N.
PhD, dotsent Raxmonov K.R.
PhD, dotsent Umirzoqov G'.O'.

Mas'ul muharrir:

Ibragimov Sh.U.

©Mualliflar jamoasi

©tadqiqot.uz

ЎЗБЕКИСТОНДА КАРТОГРАФИЯНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Эгамбердиев Асомберди

г.ф.н., профессор

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

e-mail: asomberdiegamberdiyev@gmail.com

Атабаев Сарварбек Азадович

магистрант

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Геодезия ва картография мутахассислиги

e-mail: sarvarbekatabayev7@gmail.com

Аннотация: Мақола Ўзбекистонда картографиянинг қисқача ривожланиш тарихи, ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболларига бағишланган. Шунингдек, Ўзбекистонда собиқ Иттифоқ ва мустақиллик йилларида чоп этилган атласлар ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: Картография, географик харита, атлас картографияси, комплекс харитага олиш, Ўзбекистон миллий атласи.

CURRENT STATE AND DEVELOPMENT PROSPECTS OF CARTOGRAPHY IN UZBEKISTAN

Egamberdiev Asomberdi

Atabaev Sarvarbek

Annotation: The article is a brief history of the development of cartography in Uzbekistan, its current state and prospects for development. There is also information about atlases published in Uzbekistan during the years of the former Soviet Union and independence.

Keywords: Cartography, geographical map, atlas cartography, complex mapping, National Atlas of Uzbekistan.

Картографик асарларни (географик хариталар, хариталар тизими, атлас, глобус ва б.) ўрганиш, яратиш ва улардан фойдаланиш масалалари билан шуғулланадиган фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳасига картография дейилади.

Картографиянинг фан сифатида ривожланишида юнон олимлари Анаксимандр, Эратосфен, Аполлоний, Гиппарх ва бошқаларнинг ишлари муҳим аҳамиятга эга. Улар биринчи бўлиб, харитага олиш асосида математик принципларни қўллаб, меридиан ва паралеллар тўридан фойдаланганлар.

Эратосфен берган маълумотларга кўра, Ернинг илк картографик тасвирини Анаксимандр (милоддан аввалги 610-546 йиллар) яратган. Эратосфен биринчи бўлиб харитага градус тўрларини туширди, Ер меридиан айланаси узунлигини хисоблади. Қадимги дунёдаги географик билимларни умумлаштирган машҳур олимлардан бири эрамизнинг II асрида яшаган Александриялик географ, астроном ва картограф Клавдий Птоломейдир. Птоломей картографик проекцияларни яратиш усуллари баёнини ўз ичига олган 8 та китобдан иборат “Географиядан кўлланма” (қисқача “География”) асарини ёзди. Мазкур асар антик даврнинг ўзига хос географик энциклопедиясидир. Птоломей ўша даврда фанга маълум бўлган маълумотларга асосланиб 90 дан ортиқ харита тузди ва бизгача етиб келган географик хариталарнинг энг биринчи системали тўпламини яратди. Бу хариталарда градус тўри ишлатилган бўлиб, улар ўз даврига нисбатан илмий жihatдан анча юксак даражада эди [1].

Бир сўз билан айтганда, картографик асарлар табиат ва жамиятда содир бўлаётган воқеа, ходиса ва жараёнларни ўзида акс эттирувчи ўзига хос кўзгудир. Географик хариталарсиз бирон бир худуд, унинг табиати, аҳолиси, хўжалиги (иқтисодиёти), маданияти, тарихи ва бошқа жihatлари ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш қийин. Шу боис, етук географ ва картограф олимлар томонидан хариталарни инсониятнинг қадимги ва буюк кашфиётларидан бири ҳамда ноёб ижод маҳсулоти эканлиги кўп бор қайд этилган. Бинобарин, ватанамизнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрнини билиш, англаб етиш, ўрганиш, ўзгартириш ва уни ҳар томонлама тараққий эттириш учун даставвал унинг яхши картографик тасвирига эга бўлиш талаб этилади.

Дарҳақиқат, харита ва атласлар бугун бизнинг турмушимиздан мустаҳкам ўрин олган. У тобора такомиллашиб, атрофимизни ўраб турган борлиқнинг универсал образли белгили моделига айланди, десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон худуди акс эттирилган энг дастлабки харита ва атласлар IX-XI асрларда яшаб, ижод қилган буюк аждодларимиз Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Зайд Балхий, Абу Райхон Беруний, Хофиз Абру, Маҳмуд Қошғарий, Али Қушчи ва бошқа алломаларимиз томонидан яратилган. Ватанамиз ҳақидаги картографик мерос, бу худудда туғилиб, яшаб, ижод қилиб келган буюк аждодларимизнинг қолдирган илмий ва маданий мероси каби қадимий ва бойдир. Дунё илм-фани, хусусан астрономия, геодезия, география ва картография каби соҳа фанлари ривожда улар муҳим ўрин тутди. Афсуски, инсоният бошидан кечирган турли туман табиий офатлар, урушлар ва бошқа ҳар хил фожиалар натижасида, улар қолдирган буюк мероснинг атиги бир қисмигина бизгача етиб келган холос [1].

Айтиш жоизки, Ўзбекистонда харита тузиш ишлари Октябрь тўнтаришига қадар унчалик яхши ривожланмаган, хариталар кам чоп этилган, уларнинг

географик асоси, мазмуни ва жихозланиши жуда оддий бўлган. Зотан, ҳудуднинг ички қисмлари ҳам яхши ўрганилмаган, астрономо-геодезик, картографик ва бошқа манбалар, рақамли-статистик маълумотлар етарли даражада тўлиқ ва аниқ бўлмаган, план олиш асбоблари ва картографик тасвирлаш усуллари ва харита ишлаш техникаси ривожланмаган эди.

Ўзбекистоннинг дастлабки аниқ хариталарини яратиш 1867 йили таъсис этилган Туркистон харбий топография бўлимининг (Туркистон ХТБ) қизгин фаолияти билан боғлиқдир [3].

Туркистон ХТБ нинг фаолияти кўп жихатдан Чор ҳукуматининг бу ўлкадаги иқтисодий сиёсати билан, яъни бу ердаги ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, табиат бойликларини ҳисобга олиш ҳамда улардан имкон борича тўла фойдаланиш билан боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам биринчи навбатда иқтисодий жихатдан катта аҳамиятга молик ҳудудлар хариталари ишланди. Бу хариталар ўз даврининг илмий ҳамда амалий талаблари даражасида бўлиб, Ўзбекистон ҳудуди учун ягона картографик материал вазифасини бажарган [1].

Ўзбекистонда картография собиқ Иттифоқ даврида сезиларли ривожланди. 1934 йили Ўрта Осиёда ягона бўлган Тошкент картография фабрикаси (ҳозирги “Картография” илмий ишлаб чиқариш давлат корхонаси) ташкил этилди. Натижада кўп ўтмай суғориладиган ва суғоришга биринчи навбатда яроқли бўлган ерларнинг 1:10 000 масштабда қишлоқ хўжалик хариталари, 1:500 000 масштабда эса умумгеографик ва сиёсий-маъмурий хариталар, Ўрта Осиё халқларининг она тилларида ўқув хариталари тузилди ва чоп этилди.

- 1963 йили Ўзбекистоннинг биринчи илмий-маълумотнома “Табиий географик атласи”;

- 1967-1968 йиллари 1:1 000 000 масштабда 21 та ихтисослашган “Деворий қишлоқ хўжалик хариталари тизими”;

- 1983 йили Тошкент шаҳрининг 2000 йиллик юбилейига бағишлаб “Тошкент географик атласи”;

- 1980-1981 йиллари ўзбек ва рус тилларида Ўзбекистоннинг биринчи “Ўқув-ўлкашунослик атласи”;

- ўтган асрнинг 1980 йилларининг охири ва 1990 йилларнинг бошида Ўзбекистон Фанлар академиясининг География бўлими томонидан республикамизнинг комплекс соҳавий “Пахтачилик” ва “Тиббий-географик атласи”лари яратилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб мамлакатимиз раҳбарияти миллий иқтисодиётни илмий асосда барқарор ривожлантириш, катта табиий бойлик ва инсон ресурсларидан оқилона фойдаланиш, аҳолининг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўла-тўқис қондириш, мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлаш ва давлат

кадастрларига оид фаолиятни ташкил этиш ва уларни изчил ривожлантириш ишларига юқори даражада эътибор қаратди.

- 1992 йил 16 январ “Давергеодезкадастр” давлат қўмитаси ташкил этилди.

- 1997 йил 25 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Геодезия ва картография тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди ва амалга киритилди.

- 1999 йили мустақил Ўзбекистоннинг биринчи комплекс географик ўқув-маълумотнома атласи;

- 2001 йили мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлаб “Ўзбекистон Республикасининг ер ресурслари атласи” яратилди;

- 2005 йили “Ўзбекистон Республикасининг этно-конфессионал атласи” яратилди;

- 2010 йили “Ўзбекистон Республикасининг тупроқ қопламлари атласи” яратилди;

- 2012-2016 йилларда ўзбек ва рус тилларида “Ўзбекистон Республикасининг комплекс илмий-маълумотнома географик атласи” яратилди;

- 2014-2016 йилларда “Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларнинг ўлкашунослик атласлари” яратилди;

2018-2021-йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Миллий атласини яратиш тўғрисида”ги махсус фармонига мувофиқ, илм-фаннинг замонавий ютуқлари муштараклигида фундаментал картографик асар – Ўзбекистон Миллий атласи яратилди. Атлас яхлит бўлинмас фундаментал картографик асар сифатида давлат бошқарув тизимида, миллий ва минтақавий иқтисодиётнинг барча соҳаларида, шунингдек, давлат хавфсизлик хизматида ва мамлакат мудофаасида, фан ва таълимда, ахборот ресурслари ва коммуникациясида кенг фойдаланиш учун мўлжалланган.

Шубҳасиз, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда картография фани катта ютуқларга эришди. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг барча худуди учун топографик, обзор-топографик ва обзор хариталар мавжуд. Улар турли хил мавзули харита ва атласларни тузишда асос бўлиб хизмат қилади. Халқ хўжалиги, таълим ва мамлакат мудофаасининг картографик асарларга бўлган эҳтиёжини тўла-тўқис қондириш мақсадида мавзули ва комплекс харитага олишнинг турли йўналишлари ривожланди, тизимли ёндашган ҳолда комплекс харитага олиш концепцияси шаклланди. Шу мақсадда, аэрокосмофотосъемка материалларидан унумли фойдаланиш йўлга қўйилди ҳамда йирик картографик асарларни яратишда турли соҳа мутахассисларининг ҳамкорлигида катта илмий-услубий аҳамиятга молик тажриба тўпланди [2].

Халқаро иштирокчилар билан соҳа муаммоларига бағишлаб қатор илмий-амалий конференциялар ўтказилди, монографиялар, дарсликлар, ўқув

хариталари ва атласлари, илмий тўпламлар яратилди, номзодлик (PhD), докторлик ва магистрлик диссертациялари ёқланди, соҳа корхоналарига замонавий илғор техника ва технологиялар жорий этилди.

Бу соҳадаги малакали мутахассислар Ўзбекистон Миллий университетида, Тошкент давлат техника университетида, Тошкент ва Самарқанд архитектура ва қурилиш институтида, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтлари, Қорақалпоқ ва Урганч давлат университетларида ҳамда Тошкент геодезия ва картография коллежида тайёрланмоқда. Натижада, бугунги кунда Ўзбекистон картография соҳасида МДХга аъзо бўлган давлатлар орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Шунингдек, мамлакатимизда картографияни ривожлантириш борасида ечимини кутаётган муҳим муаммолар ҳам мавжуд:

- Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудини ва уни алоҳида регионларини мавзули ва комплекс харитага олишни 2035 йилгача бўлган дастурини ишлаб чиқиш ва уни изчил амалга ошириш;

- картографияга оид ишларнинг бажаришда иқтисодиёт тармоқларининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ўрганиш, бу ишларнинг режа бўйича йўлга қўйилишини ташкил этиш, назорат қилиш, натижадорлигини ошириш ва х.к;

- илмий тадқиқот ишларининг моддий техник базасини замонавий илғор техника ва технология билан янгилаш ва мазкур соҳа мутахассисларини муайян тўловли шартномалар асосида жаҳон андозалари даражасида тайёрлашни йўлга қўйиш;

- ўқув харита ва атласларининг мавзуси ва мазмунини бугунги кун талаблари даражасига кўтариш ва уларнинг янги намунавий дастурлар ва дарсликларга мувофиқлигини таъминлаш;

- харита ва атласларни мазмуни, масштаби, проекцияси, шартли белгилари бўйича бир-бирига боғлаб, бир бутун тизим шаклида ишлаб чиқариш;

- хариталарни эстетик жиҳозлашни такомиллаштириш ва улардан дарс жараёнида, саёҳатларда, сафарларда фойдаланиш хусусиятларини эътиборга олиб чоп этиш ва бошқалар [2].

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гальков Ч.В., Раҳимбеков Р.У., Югай Р.Л. Ўзбекистон хариталари. “Ўқитувчи” нашриёти, 1975. – 103 б.

2. Эгамбердиев А. Ўзбекистонда картографиянинг шаклланиши, ҳозирги ҳолати, муаммолари ва истиқболлари. “Университет” нашриёти, 2001. – 25 б.

3. Эгамбердиев А., Уврайимов С.Т. Атласлар – картографик энциклопедиялар. Маъруза. – Тошкент., 2017. – 80 б.